

Ўзбек адабиётшунослари

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

**Биобиблиографик
кўрсаткич**

70



Ўзбек адабиётшўнослари

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Биобиблиографик кўрсаткич

**Тўлдирилган ва қайта ишланган
2-нашри**

70

**Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2024**

УЎК: 821.512.133(092) Болтабоев
КБК 83.3(5Ў)6

Муайян адиб ёки олимнинг ижодий-илмий фаолиятини ўрганишда биобиблиографик кўрсаткичлар беназир хизмат қилади. Ана шу маънода “Ўзбек адабиётишунослари” рукни остида акад. Н.Каримов, проф. У.Норматов ва Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов ва Иброҳим Ғафуровнинг биобиблиографик кўрсаткичлари эълон қилинган эди. Шу туркумда адабиётишунос олим, профессор Ҳамидулла Болтабоев асарларининг кўрсаткичи, улар ҳақидаги матбуотда чоп этилган мақола ва тақризлардан намуналар мутахассислар ҳамда адабиёт ихлосмандларига кўмак берар деган умидда ушбу нашр давом эттирилмоқда.

Тузувчилар:

Зухра БЕРДИЕВА,
филология фанлари номзоди;
Хулкаррой БОЛТАБОЕВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси
Санъат арбоби

Тақризчилар:

Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари доктори, профессор;
Мақсуд АСАДОВ
филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-398-97-9

© Бердиева З., Болтабоева Ҳ., 2024

© «MUMTOZ SO‘Z», 2014

© «MUMTOZ SO‘Z», 2024

Орзигул ҲАМРОЕВА,
филология фанлари доктори,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети профессори

НАЗАРИЯ, ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚОТ БИРЛИГИ

Тадқиқотчилик тамойиллари ва йўналишлари ҳар бир олимнинг илмий салоҳати баробарида илмий услуби асосида шаклланади, такомиллашади, даврлар оша маълум қонуният сифатида шаклланиб, шу йўналишдаги бошқа бир тадқиқот ва илмий ишлар учун умумий тамойилга айланиши ҳам мумкин. Демакки, бир олим томонидан бошлаб берилган илмий йўл сайқалланиб, илмий мактаблар учун асос бўлиши мумкин. Ҳар қандай соҳа илм ва тажриба бутунлиги асосига қурилади. Адабиётшуносликда бу бутунлик жуда катта аҳамиятга эга. Таҳлилларнинг асосли ва холисона чиқиши учун илмий-назарий билим ва уларнинг манбалари билан таниш бўлиш талаб этилади. Шунда таҳлиллар асосидаги тадқиқотлар бир давр қолипида эмас, мавжуд илмий-назарий қонуниятлар асосида макон, замон, тил танламаган ҳолда илмда ўз юкига эга бўлиб қолаверади.

Ўзбек адабиётшунослигида ўз ўрнига эга олим Ҳамидулла Болтабоев тадқиқотларида ана шу тамойилга тўла амал қилинади. Олим мумтоз адабиёт, мумтоз поэтика илми билимдони сифатида тадқиқотларининг асосини илмий-назарий билимга қурган. Ҳамидулла Болтабоев томонидан нашр қилинган манбалар, улар асосидаги илмий тадқиқотлар, таҳлиллардан иборат илмий материаллар олимнинг неча йиллик илмий салоҳияти ва тажрибаси асосига қурилган. Маълумки, мумтоз адабиёт ва унинг манбалари таҳлили мумтоз поэтикага оид илмий-назарий билимларга эга бўлишни талаб қилади. Бу борада олимнинг деярли барча тадқиқотларида айна тамойил устуворлик қилади. Олимнинг илмий фаолиятига

назар ташланадиган бўлса, фаолиятнинг тизимли равишда 5 йўналиш асосига қурилганига гувоҳ бўлиш мумкин:

1. Жадидчилик ҳаракати ва унинг тарихи, манбалари.
2. Абдурауф Фитрат илмий ва адабий фаолияти.
3. Тасаввуф ва унинг манбалари.
4. Мумтоз поэтика илми, манбалари.
5. Адабиётшунослик: адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид.

Ҳамдулла Болтабоев томонидан 42 йиллик илмий фаолияти давомида шу беш йўналиш асосида асл манбалар асосида 30 га яқин монография, ўқув қўлланма, 300 дан ортиқ илмий мақолалар илмга тақдим қилинган. Бу мақолаларда бугунги кун адабиётшунослиги учун муҳим бўлган илмий муаммолар, баҳслар, мулоҳазаларга ечим берилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, олимнинг барча тадқиқотларида доимий амалда бўлган қуйидаги тамойиллар кўзга ташланади:

1. Илмий манбалар тадқиқида қиёс усулидан фойдаланиш.
2. Бадиий адабиётга қайси нуқтаи назардан ёки назарий йўналишдан келиб чиқиб ёндошилишига кўра мавжуд тизим ва концепцияларни тўлиқ истифода қилиш.
3. Манбалардаги илмий-назарий қонуниятларни эмас, адабий-бадиий жараён қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш, бадиий матн бирламчилигини юзага чиқариш.
4. Тадқиқот объекти юзасидан умумлашма илмий хулосалар чиқариш.

Айниқса, бу тамойиллар олимнинг мумтоз поэтикага оид илмий рисоаларнинг илмий шарҳини ишлаб чиқишда, мумтоз матнларни поэтик таҳлилига бағишланган илмий тадқиқот ишларида етакчилик қилади. Олим мумтоз поэтика илми билимдони сифатида айна йўналишдаги манбалар нашрини амалга оширган ва уларнинг илмий шарҳи асосида бир қанча йирик тадқиқотларни яратган.

Маълумки, Шарқ адабиётшунослигида мумтоз поэтика илми: балоғат, адаб илми, илми сегона: аруз, қофия, бадиият илмига оид арабий, форсий, туркий рисоаларнинг яратилиши, уларнинг бадиий адабиётда аксланиши адабий анъана сифатида VII-XX аср бошларига қадар амалда бўлган. Демакки, бу рисоаларнинг тадқиқи мумтоз матнларни тўғри англаш ва тушунишда муҳим манба сифатида эътиборга молик. Ҳамидулла Болтабоев “Шарқ мумтоз поэтикаси” (2006, 2008) мажмусида ана шу манбалар матни билан таништириш баробарида, уларнинг илмий тавсифи, шарҳи ва изоҳлар воситасида илмий қонуниятларнинг моҳиятини ишлаб чиққан.

Шарқ мумтоз поэтикасига оид рисоалар таркибан бадиий сўзнинг табиати, шоирлик таърифи, сурат ва маъни бирлиги, адабий тур ва жанрлар, шеър навълари, шеър тузилиши, аруз илми, бадиият илми, қофия илми, тил одоби, бадиий нутқ ва услуб масалаларига бағишланган бўлиб, “Шарқ мумтоз поэтикаси” мажмуасида ҳам шу анаъанага амал қилинган ҳолда манбалар таснифланган. Олим ҳар қисм учун алоҳида сўзбоши ёзган. Бу сўзбошиларда танланган илмнинг юзага келиш эҳтиёжи, шаклланиши, тараққиёти, манбалари борасида илмий хулосалар тақдим қилинган. Маълумки, поэтика илмининг тарихан илдизи балоғат илмига бориб туташади. Балоғат илмига бағишланган рисоаларда сўзнинг табиатини тушуниш моҳиятни англашнинг бирламчи воситаси ўлароқ асосий марказий ўринни эгаллаган. Шу боис олим бадиий сўз табиатини очиб берувчи дастлабки манбалар сифатида араб, форс манбалари билан параллел равишда юнон манбаларига, ҳатто жоҳилия давридаги халқ оғзаки ижоди намуналарига эътибор қаратади, Абу Наср Форобийнинг “Шоирнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомий Арузий Самарқандийнинг “Нодир ҳикоялар”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Сайфи Саройининг “Гулистон бит-туркий”, Абдурахмон Жомийнинг “Силсилат уз-заҳаб”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Назм ул жавоҳир”, Фурқатнинг “Шоир аҳли ва шеър муболағаси

хусусида”, Фитратнинг “Шеър ва шоирлик”, “Адабиёт қоидалари”, Абдурахмон Саъдийнинг “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари” рисола ва илмий мақолалардаги сўзнинг имконияти ва табиатини очиб берувчи фикрларни қиёсий ўрганади, шу асосда илмий хулосаларни тадқим қилади. Олим бу манбаларда илмий-назарий қарашларни қиёслаш орқали дунёнинг икки қутби: Шарқ ва Ғарбдаги адабий-назарий тафаккур дурдоналарини йиғиб, изчил тизимга солиш ва бунинг натижасида яхлит бир адабиёт назариясини яратишни мақсад қилгани кўзга ташланади.

Ҳамдулла Болтабоевнинг аруз илми ва унинг манбалари борасида ўзига хос арузшунослик асослари йўналишидаги тадқиқоти, манбалари таснифи бу бу йўналишдаги муҳим тадқиқотлардан биридир. Олим туркий арузшуносликнинг пайдо бўлиш эҳтиёжи сабабларини тақдим қилиш асносида аруз илмининг шаклланиши, тараққийси, арабий, форсий манбалар, уларнинг фарқли жиҳатлари, аруз илмидаги ўзгаришлар ва янгиликлар борасидаги илмий қарашларни тақдим қилар экан, бу тасниф изчиллик асосида аруз илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмаддан бошланиб, Абул Ҳасан ибн Саид Ахфаш, Надр ибн Шумайл, Ибн Канноса, Асмаий, Али Райҳоний, Қосим Салом, Аҳмад Бахийлий, Ибн Саккит, Ибн Қутайба, Абул Аббос Саълаб, Ибн Жинний, Ибн Саррож, Ҳасан ибн Рашиқ, Абу Ҳилол Аскарӣ, Абу Абдуллоҳ Хоразмӣ, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарӣ, Юсуф Саккокий, Шамсиддин Қайс Розӣ, Носириддин Тусӣ, Шамс Фаҳрий, Воҳид Табризӣ, Юсуф Азизӣ, Абдурахмон Жомӣ, Сайфӣ Бухорӣ, Аҳмад Тарозӣ, Алишер Навоӣ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зокиржон Фурқат, Абдурауф Фитрат каби арузшуносларнинг манбалари асосида арузий атамалар, уларнинг маънолари, аруз илмидаги баҳр ва вазнлар, аруз доиралари каби масалалар қиёсий планда тақдим этилган. Олим тадрижий тасниф асосида бугунги кун адабиётшунослигида ўзбек арузи методикаси ҳам шаклланиш даврига кириб келаётганига ишора қилади. Олимнинг бу илмий-назарий таснифлаш тамойили амалий жиҳатдан манбалар тақдимотида кўзга таш-

ланади. Масалан, Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (2017) асарининг аруз қисмига оид маълумотларни тақдим этиш чоғида муаллиф келтирган арузшунослар номи ва асарларининг илмий тавсифини ва уларнинг таркибий тузилиши борасида махсус изоҳ қисм орқали илмий маълумотларни тақдим этади, изоҳталаб сўзлар изоҳини, уларнинг фанний маънолари хусусида тўхталади. Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари туркий адабиётдаги поэтика илмига оид дастлабки манба сифатида бугунги кунга қадар адабиётшунослар мурожаат этаётган асосий манбалардан бири саналади. Ҳамидулла Болтабоевнинг адабиётшунос Жалолиддин Жўраев билан биргаликда бу китобнинг янги нашрини амалга ошириши ҳам олимнинг “Фунун ул-балоға” асарига мурожаат этиш кўлами ва ўзбек адабиётшунослиги учун бу асарнинг қай даражада аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Олим тадқиқотларида қофия илми, унинг назарий асослари масаласи етакчи ўринга эга. Ҳамидулла Болтабоев қофия илмини шеърят қадимийлиги мезонлари билан ўлчайди. Яъни шеърят сингари қофия илмининг қадимийлигини исботлайди. Ритмик бўлаклар, арузий истилоҳлар, вазний имкониятлардан илгари пайдо бўлган оҳангдош сўзлар табиатига эътибор қаратади. Илми қофиянинг илк назарий асосларини араб манбаларидан қидиради, шеърят учун асос қилиб олинган унсурларнинг аввали сифатида қофияни эътироф этади. Олим қарашларини асослаш мақсади билан Ибн Қутайба, Қудамма ибн Жаъфар, Ибн Халдун, Асмаий каби олимларнинг шеър илми, унинг таркибий унсурлари борасидаги қарашларини келтиради. Шу асосда махсус поэтикага оид арабий, форсий ва туркий рисолалар таркибидаги қофияга оид қарашлар билан биргаликда илми қофия назариясига бағишланган рисола-лардаги қофия унсурлари, қофия ҳарф ва ҳаракатлари, қофия турлари, қофия айблари масалалари манбаларни тасниф қилиш асосида ўрганилади. Шунини таъкидлаш керакки, афсуски, араб ва форс тилидаги мумтоз поэтикага оид аксар манбаларимиз ҳалигача ўзбек тилига таржима қилинмаган. Тор доирадаги мутахассисларгина бу

манбалардан тадқиқот объектлари бўлгани боис хабардор ва бу манбалар устида тадқиқотлар яратишган. Ҳамидулла Болтабоев ана шундай манбалар билан таништириш баробарида бу асарларнинг ўзбек тилидаги таржимасини ҳам келтирганлар. Бу асарларнинг таржимонлари орасида адабиётшунос олимнинг ўзлари ҳам бор.

Қофия назарияси нафақат Шарқ, балки Ғарб адабиётида ҳам шеърятнинг бир бўлаги сифатида алоҳида тадқиқ этилади. Табиийки, бу икки адабиётдаги қофия назарияси ва амалиёти биридан тубдан фарқ қилади. Ҳамидулла Болтабоев тадқиқотларида шу икки адабиётдаги қофия илмининг ўрганилиши қиёсланади, И.В.Стеблеванинг араб-форс қофиясига оид, И.Ю.Крачковскийнинг араб поэтикасига оид, Б.Сируснинг тожик адабиёти қофиясига оид, В.В.Котетишвилининг форс классик қофиясига оид, Р.Мусулмонқуловнинг форс-тожик қофиясига оид, А.Азернинг форс қофиясига оид, В.М.Жирмунский, Д.Самойлович, М.Л.Гаспаровларнинг рус қофиясига оид тадқиқотлари таҳлилга тортилади. Шу асосда Шарқ мумтоз поэтикасида муҳим ўрин тутган қофия илми ҳозирга қадар турли йўналишларда ўрганилгани, унинг назарий жиҳатлари ва амалий имкониятлари очиб берилади.

Ҳамидулла Болтабоев тадқиқотларида адабий тур ва жанрлар ва уларнинг шаклланиши, тараққиёт босқичлари, трансформацияси, мутацияси каби масалалар етакчи мавзулардан биридир. Бу борада олимнинг бир қанча рисоалари ва илмий мақолалари илм аҳлига маълум. Хусусан, олимнинг Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” рисоласи тадқиқига бағишланган монография, илмий асарларида, жаҳон адабиётшунослиги тарихига бағишланган дарслигида, жаҳон адабиётшунослигининг адабий-эстетик тафаккури тадқиқига бағишланган дарликларида, Шарқ мумтоз поэтикаси материалларини илмий таснифлаган мажмуаларида, наср ва услуб масаласига бағишланган илмий ишларида бош мавзу сифатида белгиланган. Бу тадқиқотлар ўз олдига қўйган мақсадига кўра адабий тур ва жанрларга оид муносабатлар ва манбалар тадқиққа тортилган. Жаҳон адабиётининг адабий-эстетик тафаккур даври

тадқиқига бағишланган дарсликда адабий тур ва жанрлар жаҳон адабиётшунослиги миқёсида ўрганилса, шарқ мумтоз поэтикаси манбалари жамланган мажмуада араб, форс ва туркий жанрлар тадқиқ этилади, туркий жанрларга араб ва форс адабиётидан ўзлашган жанрлар ва уларнинг тарихий илдизлари ўрганилади.

Бадиият масаласи балоғат илми таркибида шаклланган поэтиканинг энг қадимги илмларидан бири бўлиб, Ҳамидулла Болтабоев тадқиқотларининг асосий объектларидан биридир. Тадқиқотларнинг аксарияти санъат номини олган бадиийлик воситалари фақатгина шеър беағи эмас, балки шоир ниятини ўқувчига етказувчи восита эканлигини исботланган. Олим бадиият масаласида дастлаб Абдуллоҳ ибн Муътазнинг “Китоб ул-бадиъ” асарига мурожаат этади. Бадиият ҳақидаги дастлабки қарашлар баробарида унинг илм сифатида шаклланиш даврига қадар ятилган манбалар олим назаридан четда қолмаган. Олим манбалардаги бадиий санъатлар таснифидаги муаллифларнинг ўзига хос таснифлаш тамойилларини тадқиқ этар экан, мумтоз адабиётшуносликда энг қадимги илм турларидан саналаган илми бадиъ доимо янгиланишда ва тараққиётда деган хулосага келади.

Адабиётшуносликдаги ҳар илм бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Поэтик илмлар мумтоз манбаларнинг нашр этилишида ҳам ўз самарасини беради. Хусусан, Ҳамидулла Болтабоевнинг “Тазкиралар зикри” (2012, 2017) асари ҳам бу борада фикримизнинг исботи бўла олади. Олим Шарқ адабиётида яратилган тазкираларни даврий жиҳатдан таснифлар экан, уларнинг таркибий қисми билан таништириш асносида шоирлар ижодига, уларнинг адабий меросига мурожаат этади, муаллифларнинг шоирларга берган таъриф-у таснифларини изоҳлайди, адабий муҳитлар борасида илмий хулосаларни келтиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ҳамидулла Болтабоев мумтоз поэтика назариясига оид бир қанча тадқиқотларнинг муаллифи сифатида ўзбек адабиётшунослигида ўз ўрнига эга. Олимнинг бу тадқиқотлари мумтоз матнлар нашрини амалга оширишда,

уларни таҳлил этишда, мумтоз поэтикага оид рисолалар ва уларнинг илмдаги аҳамиятини белгилашда, поэтикага оид илмий-назарий, амалий қонуниятлар билан танишишда муҳим манба вазифасини ўтай олади.

“Шарқ юлдузи”, 2024. 6-сон.

МУНДАРИЖА

<i>Иброҳим Ғафуров. Ҳамидулла Болтабоев – адабиёт муҳиби, устоз ва шогирд – ялакат мағиз.....</i>	<i>3</i>
---	----------

МАҚОЛА ва ПОРТРЕТЛАРдан намуналар

<i>Наим Каримов. Илмий салоҳият уфқлари.....</i>	<i>10</i>
<i>Умарали Норматов. Заҳматкаш олимнинг шарафли йўли.....</i>	<i>17</i>
<i>Творческий портрет Болтабаева Хамидуллы Убайдуллаевича.....</i>	<i>28</i>
<i>Юрий Боров. Молодому мудрому аксакалу.....</i>	<i>30</i>
<i>Темур Хо‘жао‘г‘лу. Professor Hamidulla Boltaboyev bilan 34 yillik do‘stlik va ilmiy hamkorligimiz...../.....</i>	<i>31</i>
<i>Шириндил Алишанли. Туркий халқлар адабиётшунослигининг тамсилчиси.....</i>	<i>34</i>
<i>Юсуф Авжи. “Наср ва услуб”га ўнг сўз.....</i>	<i>40</i>
<i>“Fitrat va jadidchilik” kitobiga o‘ngso‘z.....</i>	<i>43</i>
<i>Яшар Қосимбейли. Боку гуманитар форумининг меҳмонлари: Ҳамидулла Болтабоев.....</i>	<i>46</i>
<i>Badirxon Ahmadli. O‘zbek adabiyotshunosligi darg‘asi.....</i>	<i>49</i>
<i>Mehmet Jemal Chiftchiguzali. Ilmning kelajagıga sarmoya kiritgan olim.....</i>	<i>59</i>
<i>Қозоқбой Йўлдош. Серқирра истеъдод эгаси.....</i>	<i>69</i>
<i>Зокиржон Маширабов, Дилрабо Қозоқбоева. Профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг бобуршунослик тараққиётидаги ўрни.....</i>	<i>78</i>
<i>Минҳожиддин Мирзо. Илмига шойиста бўлмоқ саодати.....</i>	<i>84</i>
<i>Olmos Ulvi Binnatova. “Ozarbayjon ilmiy hamkorlari”: professor Hamidulla Boltaboyev.....</i>	<i>93</i>
<i>Абдулла Улугов. Зукко ва заҳматкаш адабиётшунос.....</i>	<i>103</i>
<i>Шоира АҲМЕДОВА. Профессор Абдурауф Фитрат адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев талқинида.....</i>	<i>131</i>
<i>Maqsud Asadov. Olim, muallim va murabbiy faoliyatiga bir nazar....</i>	<i>137</i>
<i>Эргаш Очилов. Давр донишманди.....</i>	<i>151</i>
<i>Дилрабо Қозоқбоева. Поэтика илми билимдони.....</i>	<i>158</i>

<i>Орзигул Ҳамроева. Назария, таҳлил ва тадқиқот бирлиги.....</i>	<i>163</i>
<i>Дилдора Абдуллаева. Шогирдларнинг чин устози.....</i>	<i>170</i>
<i>Қаҳрамон Исмоилов. Устозга таъзим.....</i>	<i>177</i>

ТАҚРИЗЛАРдан намуналар

<i>Азизхон Қаямов. Энциклопедия яратиш тажрибаси.....</i>	<i>182</i>
<i>Наим Каримов. “Адабиёт энциклопедияси”нинг 1-жилди</i> <i>тўғрисида.....</i>	<i>184</i>
<i>Қозоқбой Йўлдош, Отабек Сафаров. Улкан машаққатлар</i> <i>меvasи.....</i>	<i>187</i>
<i>Насимхон Раҳмонов. Туркологияга йўл кўрсатган асар.....</i>	<i>195</i>
<i>Шуҳрат Сирожиддинов, Фазлиддин Равшанов. Тасаввурни</i> <i>ёритувчи китоб.....</i>	<i>206</i>
<i>Улугбек Долимов. Улкан мерос тадқиқи.....</i>	<i>211</i>
<i>Раъно Хўжаева, Адҳам Алимбеков. Шарқ поэтикасининг</i> <i>олис йўли.....</i>	<i>219</i>
<i>Маҳкам Маҳмудов. “Аҳли фазл ва беназир эл...”.....</i>	<i>226</i>
<i>Абдулла Улугов. Нуктадон адабиётшунос.....</i>	<i>238</i>
<i>Қазанфар Пашаев. Ҳусайн Курдўғлининг поэтик дунёси.....</i>	<i>255</i>
<i>Адҳамбек Алимбеков. Мумтоз сўзни қадрлаб.....</i>	<i>257</i>
<i>Дилмурод Холдорев. Хорижда услуб назарияси.....</i>	<i>260</i>
<i>Михли Сафаров. Асотирдан тафаккурга.....</i>	<i>267</i>
<i>Илҳом Ғаниев. Фитратшунос олимнинг дастлабки</i> <i>мақолаларига назар.....</i>	<i>272</i>

<i>ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ.....</i>	<i>277</i>
--	------------

БИБЛИОГРАФИЯ

<i>I. Алоҳида нашрлар.....</i>	<i>283</i>
<i>II. Таржима, табдил ва нашрга тайёрлаган ишлар.....</i>	<i>288</i>
<i>III. Илмий журнал, адабий тўплам ва вақтли матбуот</i> <i>саҳифаларида чоп этилган мақолалар.....</i>	<i>294</i>
<i>IV. Хорижий нашрлар.....</i>	<i>320</i>